

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**  
«Chirchiq transformator zavodi» АЖ  
Кузатув кенгаши томонидан  
22.05.2016й.  
10-2016-сонли баённома  
\_\_\_\_\_ **Исмаилов Ж.Б.**

**«CHIRCHIQ TRANSFORMATOR ZAVODI»**  
**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ**  
**ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ**  
*(янги тахрирда)*

Чирчиқ шаҳри, 2016 йил

## МУНДАРИЖА

<b>I</b>	УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.....	<b>3</b>
<b>II</b>	ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ АСОСИЙ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ.....	<b>3</b>
<b>III</b>	ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.....	<b>4</b>
<b>IV</b>	ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР.....	<b>5</b>
<b>V</b>	ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ.....	<b>6</b>
<b>VI</b>	ИЧКИ АУДИТ ЎТКАЗИШГА ВА УНИ ЎТКАЗИШ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА ЙИҒМА ҲИСОБОТ ТУЗИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР.....	<b>6</b>
<b>VII</b>	ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.....	<b>9</b>
<b>VIII</b>	ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.....	<b>10</b>

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур «Chirchiq transformator zavodi» Акциядорлик жамиятининг (бундан буён – Жамият) «Ички аудит хизмати тўғрисидаги» Низоми (бундан буён - Низом) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ–475-сонли «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли «Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкининг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига, Жамият Уставига, Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш Комиссиясининг 31.12.2015йилдаги 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган «Корпоратив бошқарув кодекси» ва жамиятнинг бошқа ички хужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Низом мақсадлари йўлида қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**ички аудит** – Ижроия органи ва жамият таркибий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатларига ва ички ҳужжатларга риоя қилинишини текшириш ва мониторинг олиб бориш йўли билан улар ишини назорат қилиш ва баҳолаш, маълумотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда акс эттирилишининг тўлиқлиги ва ишончлилигини таъминлаш, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва таомиллари, активларнинг сақланиши ҳамда корпоратив бошқариш принциплари жорий этилиши бўйича жамият таркибий бўлинмасининг (ички аудит хизмати) фаолияти;

**ички аудит хизмати** - мазкур Низом талаблари ҳисобга олинган ҳолда жамият кузатув кенгаши кенгашининг қарори билан ташкил этиладиган ички аудитни амалга оширадиган жамиятнинг таркибий бўлинмасидир.

## II. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ АСОСИЙ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

3. Қуйидагилар ички аудит хизматининг асосий вазифалари ҳисобланади:

— кузатув кенгашини ишончли ахборот билан таъминлаш ва ички аудит амалга оширилиши натижалари кўра жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлаш;

— ички аудит жараёнида аниқланадиган камчиликларни баргараф этиш юзасидан жамиятнинг бошқарув органларига тавсияларни тезкорлик билан киритиш, уларнинг баргараф этилишини назорат қилиш.

4. Қуйидагилар ички аудит хизматининг асосий вазифалари ҳисобланади:

— ҳар йили жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган режага мувофиқ мазкур Низомнинг 12 бандида кўрсатилган йўналишлар бўйича тегишли текширишлар ўтказиш йўли билан ички аудитни амалга ошириш (ҳар чоракда ва ҳисобот йили якунлари бўйича);

— жамият томонидан тузиладиган хўжалик шартномаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан экспертиза ўтказиш;

— бухгалтерия ҳисобини юритишда ва молиявий ҳисоботни тузишда жамиятнинг таркибий бўлинмаларига методик ёрдам бериш, уларга молия, солиқ, банк ва бошқа қонунчилик масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;

— техник топшириқларни ишлаб чиқишда, ташқи аудиторлик ташкилотларининг таклифларини баҳолашда, ҳамда аудиторлик текширишларни ўтказиш учун ташқи аудиторлик ташкилотини танлаш бўйича тавсияларни тайёрлашда жамиятнинг кузатув кенгашига кўмаклашиш.

### **III. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

5. Ички аудит хизмати қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

— ички аудитни амалга ошириш давомида пайдо бўладиган масалалар бўйича жамият ҳужжатларини (рахбарнинг буйруқ ва фармойишлари, бошқарув органлари қарорлари, маълумотномалар, ҳисоб-китоблар, зарур ҳужжатларнинг тасдиқланган нусхалари ва бошқа ҳужжатларни), жамиятнинг мансабдор ва масъул шахсларидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар олиш;

— ички аудитни ўтказишга кўмаклашиш учун жамиятнинг тегишли мутахассисларини жалб этиш.

6. Ички аудит хизмати қуйидагиларга мажбур:

— ички аудитни амалга оширишда Низом ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

— Низомнинг 13-18 бандларида белгиланган талабларга мувофиқ ҳисоботлар тузиш;

— молия ва статистика ҳисоботи кўрсаткичларининг ишончлилигини текшириш;

— ички аудитни амалга оширишда олинган ахборотнинг махфийлигига риоя қилиш;

— жамиятга унинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан зарар етказилганидан далолат берувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда бу ҳақда дарҳол жамиятнинг кузатув кенгашига хабар бериш ва аудиторлик ҳисоботида тегишли ёзувни қайд этиш;

— активларни хатловдан ўтказишда ва қонунда белгиланган тартибда унинг ўз вақтида амалга оширилишини назорат қилишда иштирок этиш.

7. Ички аудит хизмати қонун ҳужжатларига ва жамиятнинг ички ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### **IV. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

8. Ички аудит хизмати ходимлари охириги ўн йилнинг камида икки йилида бухгалтерия ҳисоби, аудит, молия ёки солиқ назорати соҳасида амалий (шу жумладан ўриндошлик бўйича) иш стажига эга бўлиши ва қуйидаги талаблардан биттасига жавоб бериши керак:

— ички аудиторнинг малака сертификатига эга бўлиш;

— Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида, ёхуд Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги таълимга тенглиги эътироф этилган хорижий давлат таълим муассасасида олинган олий иқтисодий маълумотга эга бўлиш.

Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби аудиторларнинг республика профессионал жамоатчилиқ бирлашмалари томонидан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланади.

9. Қуйидаги шахслар жамиятнинг ички аудит хизматида лавозимга эга бўлишга ҳақли эмас:

— иқтисодиёт соҳасидаги жиноят учун ёки бошқарув тартибига қарши жиноят учун олиб ташланмаган судланганликка эга бўлган шахслар;

— жамият ижроия органининг раҳбари ёки аъзолари ҳисобланган шахслар;

— жамиятга рақобатчи ҳисобланадиган бошқа юридик шахснинг акциядорлари, ижроия органи раҳбари ёки аъзолари, ёхуд ходимлари ҳисобланадиган шахслар.

Ички аудит хизмати таркибига кирадиган шахсларга бошқа талаблар жамият кузатув кенгаши томонидан белгиланиши мумкин.

10. Ички аудит хизмати ходимлари сони ички аудит тизими мақсадларига самарали эришиши ва масалаларни ҳал қилиши учун етарли даражада бўлиши ва икки нафардан кам бўлмаган, сертификатга эга ички аудиторлардан иборат бўлиши керак.

11. Ички аудит хизматига ички аудитор сертификатига эга бўлган унинг раҳбари бошчилик қилади.

Ҳар йили ички аудит хизмати раҳбари ички аудит хизматининг йиллик харажатларининг сметасини тузади ва уни тасдиқлаш учун кузатув кенгашига тақдим этади.

12. Ички аудит хизмати ходимларининг касб даражаси тегишли лицензияга эга бўлган таълим муассасаларида мунтазамлилик асосида уларнинг малакасини ошириш орқали сақланиб турилиши керак.

13. Ички аудит хизмати ходимлари жамият кузатув кенгаши томонидан ҳар йили аттестациядан ўтказилиши лозим.

## **V. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ**

14. Қуйидагилар ички аудит хизмати мустақиллигининг асосий шартлари ҳисобланади:

— ички аудит хизмати раҳбарини ва унинг ходимларини лавозимга тайинлаш ва эгаллаб турган лавозимидан озод этиш, жамият кузатув кенгашининг қарорлари бўйича уларга иш ҳақи миқдорини ва бошқа тўловларни белгилаш;

— жамият кузатув кенгашига бевосита бўйсунуш.

## **VI. ИЧКИ АУДИТ ЎТКАЗИШГА ВА УНИ ЎТКАЗИШ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА ЙИҒМА ҲИСОБОТ ТУЗИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

15. Ички аудит:

— тасдиқланган бизнес-режа бажарилишини;

— корпортив бошқариш принципларига риоя қилинишини;

— бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобнинг ҳолатини;

— солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисоблаб чиқилиши ва тўланишини;

— молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонунчиликка риоя этилишини;

— активларнинг ҳолатини;

— ички назоратнинг ҳолатини текшириш ва уларнинг мониторингини олиб бориш йўли билан фақат ички аудит хизмати ходимлари томонидан амалга оширилади.

Кузатув кенгаши томонидан жамият фаолиятининг ихтисосидан келиб чиқиб, қонун ҳужжатларига мувофиқ текширишни ўтказишнинг бошқа йўналишлари белгиланиши мумкин.

16. Ўтказилган текширишлар натижалари бўйича бевосита уни ўтказган ходим (ходимлар) томонидан имзоланадиган тегишли ҳисоботлар тузилади.

Бунда:

а) бизнес-режа бажарилишини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

— унинг бажарилишининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари таҳлили;

— унинг бажарилиши таъминланмаган тақдирда айбдор мансабдор шахслар шахсан кўрсатилган ҳолда аниқланган сабаблар баёни;

б) корпоратив бошқариш принципларига риоя қилишни текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

— жамиятнинг бошқарув органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг самаралилиги, унинг иштирокчиларининг (таъсисчиларининг) қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этилиши таҳлили;

— корпоратив бошқариш соҳасида қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари баёни (таъсис ҳужжатларига риоя қилиш, умумий йиғилишлар ва корхонанинг бошқарув органлари мажлислари ўтказилиши, дивидендлар тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тўланиши ва ҳоказолар);

в) жамиятнинг бухгалтерия ҳисоби ва молия ҳисоботи ҳолатини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

— бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молия ҳисоботини тузишнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини баҳолаш;

— бухгалтерия ҳисоботини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг ўрнатилган тартиби бузилишининг тавсифи;

— г) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисобланиши ва тўланишини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

— тузилган ва тегишли органларга тақдим этилган солиқлар ва мажбурий тўловлар ҳисоб-китоби тўғрилигини баҳолаш;

— солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлашнинг белгиланган тартиби бузилиши ҳолатларини, солиқ солинадиган базани белгилашда четга чиқишларни баён қилиш;

д) молия-хўжалик операцияларини амалга оширишда жамият томонидан қонунчиликка риоя қилинишини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

— жамият томонидан амалга оширилган молия-хўжалик операцияларининг қонунчиликка мувофиқлигини баҳолаш;

— ички аудит давомида жамият томонидан амалга оширилган молия-хўжалик операцияларининг қонунчиликка номувофиқлигини аниқланганлигини баён қилиш;

е) ички назоратнинг ҳолатини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

— ички назорат тизимини ва унинг фаолият кўрсатишидаги мавжуд камчиликларни баён этиш;

— жамиянинг таркибий бўлинмаларидаги ижро интизомининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, унинг аниқ ходимлари ишидаги мавжуд камчиликлар.

Активларнинг ҳолатини текшириш натижалари, активларни хатловдан ўтказишга асосланган бўлиши, ҳамда уларнинг ҳаракати, амалда мавжудлиги ва сақланиши тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак.

Шунингдек ўтказиладиган текширишлар бўйича барча ҳисоботларда жамият Ижроия органининг ва унинг таркибий бўлинмалари фаолияти баҳоланишини, аниқланган четга чиқишлар ва қонунни бузишларни бартараф этишга доир тавсияларни тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг тўлиқ пакетини ўз ичига оладиган якуний қисм бўлиши керак.

17. Низомнинг 15 ва 16 бандларига мувофиқ ўтказилган ички аудит натижалари бўйича, ички аудит раҳбари томонидан имзоланадиган йиғма ҳисобот тузилади.

18. Йиғма ҳисобот:

— таҳлилий қисмни;

— якуний қисмни;

— тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг тўлиқ пакетини ўз ичига олиши керак.

19. Йиғма ҳисоботнинг таҳлилий қисми Низомнинг 15 ва 16 бандларига мувофиқ, ички аудит ходимлари томонидан ўтказилган



текширишлар натижалари тўғрисидаги умумлаштирилган ахборотни ўз ичига олиши керак.

20. Ҳисоботнинг якуний қисми:

— жамиятнинг Ижроия органи ва таркибий бўлинмалари фаолиятига, шунингдек ликвидлигига умумий баҳони;

— аниқланган четга чиқишлар ва қонунни бузишларни бартараф этиш бўйича ички аудит хизматининг тавсияларини ҳамда жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишга, корпоратив бошқаришни такомиллаштиришга доир умумлаштирилган таклифларни ўз ичига олиши керак.

21. Йиғма ҳисобот ички аудит якунлангандан кейин 10 кун мобайнида тайёрланиши зарур.

22. Йиғма ҳисоботлар бевосита жамиятнинг кузатув кенгашига кўриб чиқиш ва кейинчалик тасдиқлаш учун тақдим этилиши керак. Ҳисоботлар тасдиқлангандан кейин уларнинг нусхалари жамият Ижроия органига тақдим этилиши керак.

23. Жамият Ижроия органи ички аудит натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриши шарт.

24. Ички аудит хизмати текшириш давомида аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш, шунингдек умуман жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва зарур даражада бажарилиши устидан назорат ўрнатиши керак.

## **VII. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

25. Ички аудит хизмати ходимлари:

— ўзлари ўтказган текширишлар натижалари бузиб кўрсатилганлиги;

— уларга тақдим этилган ёки улар томонидан хизмат вазифаларининг бажарилиши муносабати билан уларга маълум бўлган жамиятнинг сирини ташкил этадиган ахборотнинг махфийлигига риоя қилинмаганлиги;

— олинган ҳужжатларнинг сақланиши ва қайтарилишини таъминланиши учун жавоб берадилар.

26. Ички аудит хизмати аудиторлик текширишлари давомида аниқланган қонун бузишларни бартараф этиш ва жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан кўрилган чора-тадбирларга баҳо берилиши учун жавоб беради.

27. Жамият кузатув кенгаши ҳар чорақда ички аудит хизматининг текширишлар натижалари тўғрисидаги ҳисоботини эшитади, аниқланган

камчиликларни бартараф этиш ва жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан чора-тадбирлар кўради.

## **VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

28. Низом ва унга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар жамият кузатув кенгаши қарорига асосан тасдиқланади.

29. Низомга қўшимча ва ўзгаришлар жамият кузатув кенгаши аъзоларининг, жамият тафтиш комиссиясининг, жамият ички аудит хизматининг, ҳамда Ижроия органи раҳбариинг таклифига биноан киритилади.

30. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва меъёрий ҳужжатларига ўзгаришлар киритилиши натижасида Низомнинг айрим моддалари бу ўзгаришларга зид келган тақдирда, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва жамият Низомига тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва меъёрий ҳужжатларига амал қилинади.